

**ЙЎЛ-ТРАНСПОРТ ҲОДИСАЛАРИ СОДИР БЎЛИШИДА СПИРТЛИ
ИЧИМЛИКЛАР ИСТЕММОЛИНИ АҲАМИЯТИ**



Пулатов Музафар Махаматжанович - РСТЭИАМ
Тошкент вилоят филиали, олий тоифали суд-тиббий эксперт



Лочинов Фарход Назарович - Тошкент тиббиёт академияси
“Суд тиббиёти ва тиббиёт хуқуқи” кафедраси катта ўқитувчиси, т.ф.н.



Бабаев Хамза Нурматович - Тошкент тиббиёт академияси патологик
анатомия кафедраси ва Alfraganus университети катта ўқитувчиси, т.ф.н.



Кошимуратова Манзура Онгарбаевна - Тошкент тиббиёт академияси,
"Патологик анатомия" йўналиши 1-босқич магистр талабаси

Аннотация. Ушбу мақолада ҳайдовчилар, йўловчилар ва пиёдалар ўлимига олиб келадиган йўл-транспорт ҳодисаларини содир бўлишида спиртли ичимликлар истеъмолини аҳамияти тўғрисида маълумотлар берилган.

Калит сўзлар: суд тиббиёти, автомобил травмаси, суд-тиббий экспертиза, профилактик чоралар.

Аннотация. В данной статье приводится значение употребление алкоголя при получения тяжелых травмах, приведших к гибели участников (водителей, пассажиров и пешеходов) дорожно-транспортного происшествия.

Ключевые слова: судебная медицина, автомобильная травма, судебно-медицинская экспертиза, меры профилактики.

Abstract. The article presents information on the role of alcohol consumption in road traffic accidents resulting in the death of drivers, passengers and pedestrians.

Key words: forensic medicine, car injury, forensic medical examination, preventive measures.

Мавзунинг долзарблиги. Сўнгги йилларда транспорт воситаларининг сонини ошиши ўз навбатида йўл-транспорт ҳодисаларининг кўпайишига олиб келмоқда. Статистик маълумотларда, инсонлар ўлими билан борадиган йўл-транспорт ҳодисалари кўпчилиги спиртли ичимликлар истеъмол қилиш оқибатида содир бўлиши қўрсатилган. Масалан, 2020 йилида Белоруссияда йўл-транспорт ҳодисаларида вафот этган ҳайдовчиларни 18 фоизи ўрта ва оғир даражали мастлик ҳолатида транспортни бошқарганлиги қайд этилган. Ушбу йилда бу қўрсаткич Россияда 13,9 фоизни ташкил этган, яъни ҳар олтинчи ҳайдовчи транспорт воситасини маст холда бошкарган. Ушбу қўрсаткич 2021 йилда 28% ташкил этган бўлиб ҳар тўртинчи ҳайдовчи алкоголдан мастлик ҳолатида содир этилган йўл-транспорт ҳодисаларсида олган оғир жароҳатларидан вафот этган [1, 2, 5, 7, 8].

Жорий йилнинг 26 феврал куни мудофа ва хавфсизлик масалалари бўйича Сенатда бўлиб ўтган йиғилишда маълум қилинишича, Ўзбекистонда 2024 йилда 9 минг 400 та йўл-транспорт ҳодисаси содир этилган, уларда 8 минг 900 нафар фуқаро жароҳатланган ва 2 минг 200 нафари ҳалок бўлган. Йўл-транспорт ҳодисаларининг 47,1 фоизи ҳайдовчилар пиёдаларга йўл бермаганлиги, 22,8 фоизи белгиланган тезликни оширганлиги, 3,7 фоизи рулда ухлаб қолиш, 3,6 фоизи светофорни тақиқловчи сигналида харакатланиш сабаб бўлган. Шунингдек, 61 ҳолатда шаҳарлараро ва халқаро йўналишдаги автобус ҳайдовчилари маст ҳолатда транспорт воситалари бошқарганлиги аниқланган.

Тинч замонда бир йилда 2000 мингдан зиёд инсонларнинг йўл-транспорт ҳодисасида ҳалок бўлиши жамиятмиз учун катта фожиа бўлиб ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари билан бир қаторда суд-тиббий эксперталарда учун ҳам долзарб муаммо бўлиб қолмоқда [3, 4, 6, 9].

Алкогол (этил спирти, этанол) инсоннинг барча аъзо ва тизимларга таъсир кўрсатадиган, кўп микдорда бош мияда, жигарда ва мъеда ости безида тўпландиган хавфли заҳардир. Унинг наркотик таъсири марказий асаб тизими, биринчи навбатда бош мия пўстлоғининг тормозланиши билан тушунтирилади. Натижада пўстлоқ ости марказларининг назорати сусайиб, уларда қўзғалиш кузатилади. Кўп микдорда этил спирти қабул қилинганда тормозланиш жараёни пўстлоқ ости, узунчоқ мия, миячага ўтади. Унинг токсик таъсири нафас олиш ҳамда юрак-қон томирлар марказлари

фаолиятининг бузилишида акс этади. Этил спирти сақловчи ичимликлар истеъмол қилинганда, дастлаб бош мия пўстлоғининг тормозланиши ҳисобига эйфория, психо-мотор қўзғалиш кузатилади. Кейинчалик бош миянинг бошқа соҳалари фаолиятининг бузилиши ҳисобига уйқучанлик, ҳаракат ва нутқнинг бузилиши намоён бўлади. Кўп миқдорда этил спирти қабул қилинганда кўнгил айниши, қусиш бўлади, айрим ҳолатларда кома ривожланиши мумкин [5].

Транспорт воситасини бошқаришда нафақат кўп миқдорда алкогол истеъмоли, балки кам миқдорда спиртли ичимликлар истеъмоли ҳам хавфли ҳисобланади. Чунки алкогол дикқатни жамлашнинг қийинлаштиради, хотирани пасайтиради, қарор қабул қилиш учун зарур бўлган реакция вақтини оширади, ҳаракатлар координациясини ва ирода бошқарувини бузади. Демак, алкоголдан мастилик ҳолатида транспорт воситаларини бошқариш жараёнида ҳайдовчи реакцияси сустлашишига тескари тарзда қарор қабул қилиш учун зарур бўлган реакция вақти ошади.

Мутахассислар этил алкоголидан мастилик даражаларига кўра, ҳайдовчиларда кузатиладиган ўзгаришларни қўйидагича таърифлайдилар:

Енгил даражали мастилик ҳолатида инсон масофани адекват аниқлай олмайди, рангларни ёмон фарқлайди, йўлдаги ҳолатларни ўзгаришига реакцияси сустлашади. Эйфория (кайфиятни кутарилиши) таъсирида тезликни ошириш ва бошқа транспорт воситаларини кувлаб ўтиш хоҳиши пайдо бўлади. Эҳтиёткорлик сусайиши сабабли пухта уйланмаган ҳаркатларни содир этади.

Ўрта даражали мастилик ҳолатида дикқат янада кўпроқ пасайяди, ҳайдовчи пиёдалар ҳаракатини ёки бошқа автомашилар манёврини кеч пайқашади. Тормоз берган тақдирда ҳам, камдан-кам ҳолатларда тўқнашувни олдини олишади.

Оғир даражали мастилик ҳолатида мувозанат ва ҳаракатлар координацияси тўлиқ бузилади, нутқида сезиларли ўзгаришлар кузатилади. Ён томонни кўриш қучли даражада ёмонлашиши ҳисобига ёнма-ён кетаётган автомобиллар билан тўқнашиш содир бўлади. Ҳайдовчи автомашина педалларини чалкаштиради, бурилиш чироқларини ёқмайди, тезликни хаддан зиёд оширади. Булар кўпинча ҳайдовчи ва йўловчилар ўлимига сабаб бўладиган олдинда бораётган транспорт воситасини орқа қисмига урилишига олиб келади.

Авария ҳолатларига ҳайдовчининг жавоб реакцияси жуда тез бўлиши зарур. Хушёр ҳайдовчини тормоз босиш реакцияси вақти ўртача 0,3-0,5 секундни ташкил этади. Истеъмол қилган алкогол миқдорига мос тарзда ушбу кўрсаткич 1,5-2, баъзи бир ҳолатларда 6-8 мартага ошиши мумкин. Бундай ҳолатда транспорт воситасини хавфсиз бошқариш мумкинлиги тўғрисида гапириб ҳам бўлмайди. Йўқотилган қимматбаҳо сониялар баъзан ҳайдовчини ва атрофдаги инсонларни ҳаётига зомин бўлиши мумкин. Кам миқдорда алкогол истеъмоли атрофдаги ҳодиса ва жараёнларни идрок қилишга тескари таъсири кўрсатади. Шифокорларни фикрича, фавқулоддаги вазиятларига жавоб реакциясини пасайишига 50 гр алкогол истеъмоли етарли ҳисобланади. Юқоридаги сабабларга кўра, алкоголдан мастилик ҳолатида автомашина бошқариш қонунан тақиқланган.

Тадқиқотнинг мақсади. Экспертиза материаллари бўйича йўл-транспорт ҳодисаларида вафот этган ҳайдовчилар қонида алкогол мавжудлиги уларнинг ўлимга олиб келадиган оғир шикастланишлар учун аҳамиятли омил эканлигини суд-тиббий жиҳатдан ўрганиш.

Тадқиқот материаллари ва усуллари. Тадқиқот жараёнида Республика суд-тиббий экспертиза илмий-амалий маркази (РСТЭИАМ) Тошкент вилоят филиалининг жойлардаги бўлимларида 2019-2021 йилларда йўл-транспорт ҳодисасида жароҳатланиш оқибатида вафот этган шахсларга нисбатан ўтказилган суд-тиббий экспертиза хulosалари ўрганилди.

Тадқиқот таҳлили. Таҳлил натижаларига кўра, 2019 йилда йўл-транспорт ҳодисаларида жароҳатланиш оқибатида жами 450 та инсон вафот этган. Улардан 206 таси (45,8%) алкогол истеъмол килганлиги аниқланган. Жумладан, ҳайдовчилар 42 таси (20,4%), йўловчилар 32 та (15,5%) ва пиёдалар 132 та (64,1%) ташкил этган.

2020 йилда йўл-транспорт ҳодисаларида жароҳатланиш оқибатида жами 359 та инсон вафот этган. Улардан 124 таси (34,5%) алкогол истеъмол килганлиги аниқланган. Жумладан, ҳайдовчилар 43 та (34,7%), йўловчилар 17 та (12,1%) ва пиёдалар 66 тани (53,2%) ташкил этган.

2021 йилда йўл-транспорт ҳодисаларида жароҳатланиш оқибатида жами 440 та инсон вафот этган. Улардан 91 таси (20,7 %) алкогол истеъмол килганлиги аниқланган. Жумладан, ҳайдовчилар 16 та (16,7%), йўловчилар 13 та (14,4%) ва пиёдалар 62 та (68,9%) ташкил этган.

Тадқиқот натижалари ва муҳокамаси. 2019-2021 йилларда Тошкент вилояти ҳудудида содир бўлган йўл-транспорт ҳодисаларида жароҳатланиш оқибатида жами 1249 та инсон вафот этганлиги ва уларнинг 421 таси (33,7%) алкогол истеъмол килганлиги аниқланди. Жумладан, ҳайдовчилар 101 та (24,0%), йўловчилар 62 та (14,6%) ва пиёдалар 260 та (61,5 %) ташкил этган.

Тадқиқот натижаларига кўра, спиртли ичимликлар истеъмол килган ҳолда транспорт воситасини бошқарганлик ҳолати 2019-2020 йилларга нисбатан 2021 йилда деарли 3 баробар камайган. Аммо, ҳайдовчиларни спиртли ичимликлар истеъмол килган ҳолда транспорт воситасини бошқариши оқибатида рўй берган йўл-транспорт ҳодисаларида инсонлар ўлими ҳолатларини мавжудлиги ҳукуқтарибот идоралари ходимлари билан бир қаторда бошқа соҳа мутахассислари учун ҳам долзарб муаммо хисобланади.

Хуроса. Юқоридагилардан келиб чиқиб, аҳоли ўлимга сабаб бўладиган йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олишда унинг вужудга келишида аҳамиятли бўлган омиллар (пиёдалар йўлнинг белгиланмаган жойидан ўтиши, белгиланган тезликка риоя қиласлиқ, велосипед йўлаклари ташкил этилмагани ва ххз.) қаторида транспорт воситасини маст ҳолатда бошқариш фактини ҳам ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Спиртли ичимликлар истеъмол қилган ҳолда транспорт воситасини бошқаришнинг оғир оқибатлари тўғрисида маҳаллаларда, ташкилотларда, ўрта ва олий таълим муассасаларида мунтазам тарзда кенг тушунтириш ишларини олиб боришда ҳукуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари билан бир қаторда тибиёт ходимларининг ҳам иштироки муҳим аҳамият касб этади.

Адабиётлар.

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Автомобиль йўлларида инсон хавфсизлигини ишончли таъминлаш ва ўлим ҳолатларини кескин камайтириш чора-тадбирлари тўғриси”даги ПҚ-190-сон қарори, 04.04.2022 йил.
2. Бахриев И.И., Лочинов Ф.Н. Осмотр и судебно-медицинское исследование трупа //Учебное пособие. Ташкент, 2023.
3. Бекназаров Ш.Ю., Лочинов Ф.Н. ва бошқ. Йўл-транспорт ҳодисалари оқибатида жароҳатланиш ва ўлимнинг суд-тиббий таҳлили //ТТА ахборотномаси. 2024, №7. 68-72 б.
4. Ботиров Т.К., Норов А.Т., Лочинов Ф.Н., Ахмедов З.Х. Йўл-транспорт ҳодисаларида олинган қўшма жароҳатлардан ўлим омилларининг суд-тиббий аҳамияти //ТТА ахборотномаси. 2025, №2, 98-101 б.
5. Фиёсов З.А. Суд тиббиёти //Тиббиёт олий ўқув юртлари талабалари учун дарслик. - Тошкент, “Global Books” нашриёти, 2018.
6. Лочинов Ф.Н., Тожиқулов Р.А. ва бошқ. Йўл-транспорт ҳодисаларида болалар ўлими: келиб чиқиш сабаблари ва нохуш ҳолатларнинг олдини олиш чоралари //ТТА ахборотномаси. 2023, 77-79 б.
7. Маякова М.В. Судебно-медицинская оценка травматических повреждений участников ДТП (водителей и пассажиров переднего сидения), возникающих в салоне автомобиля при лобовом столкновении с движущейся преградой // Актуальные вопросы судебно-медицинской науки и практики. - Киров, 2010. - С. 245.
8. Судебная медицина: национальное руководство /под ред. Ю.И.Пиголкина. - М.: ГЭОТАР-Медиа, 2018.
9. Шодиев Г.Б., Бекназаров Ш.Й., Лочинов Ф.Н. Ўлимга олиб келувчи автожароҳатларни баҳолашнинг суд-тиббий мезонлари. ТТА ахборотномаси. 2023, 270 б.